



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ

10«avgust»2023 jil.

649-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
4 августдаги 01/1016-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 ноябрдаги “Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 675-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси мажлисининг 2023 йил 21 июлдаги “Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни 2023/2024 ўқув йилида республика олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этиш тўғрисида”ги 32-3-сон баёни ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 4 августдаги 01/1016-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 4 августдаги 01/1016-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг мазкур буйруғи билан қуйидагилар:

а) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ходимлардан 2023-2024 ўқув йилида таълимнинг сиртқи ва кечки шаклларида ўқиш истагини билдирган талабгорларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш, саралаб олиш ҳамда вазирлик тавсияномасини бериш бўйича комиссия (бундан буён матнда танлов комиссияси деб юритилади) таркиби 1-иловага;

б) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимида камида беш йил иш стажига эга бўлган ходимларни таълимнинг сиртқи ва кечки шаклларида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага;

в) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимида камида беш йил иш стажига эга бўлган ходимларни таълимнинг сиртқи ва кечки шаклларида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия бериш танлов комиссияси натижаси юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиш комиссияси (бундан буён матнда апелляция комиссияси деб юритилади) таркиби 3-илова мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, Нукус Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази директорига, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 4 августдаги 01/1016-А/Ғ-сон буйруғининг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамиятини ходимлари ўртасида тушинтирилиш вазифаси олиб борилсин.

4. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш шўъбаси бош мутахассиси (**А.Торемуратов**)га:

танлов комиссияси хулосаси асосида ўқишга тавсия қилинган ходимлар билан тузиладиган шартнома лойиҳаси ишлаб чиқиш;

шартномада ходимнинг мажбуриятлари сифатида ўқишни тамомлагандан сўнг 5 (беш) йил муддатда вазирлик тизимида фаолият юритиши ҳамда олий таълим муассасасида эгаллаган билим ва кўникмаларини вазирлик фаолиятига жорий қилиши кўрсатиб ўтилишини таъминласин.

5. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси бош мутахассиси (**А.Турениязов**)га:

мазкур буйруқ билан бошқарманинг тегишли шўба бошлиқларини таништириш ҳамда буйруқ нусхаси ижро учун тизимдаги республика ташкилотлари ва муассасаларига юбориш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров